

2019

## SIGNIFICANCE AND FEATURES OF THE CHARACTERS OF THE ORTHODOX CHURCH

Islomiddin Haydarov

*International Islamic Academy of Uzbekistan, dolina007@bk.ru*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu>



Part of the [Christianity Commons](#)

---

### Recommended Citation

Haydarov, Islomiddin (2019) "SIGNIFICANCE AND FEATURES OF THE CHARACTERS OF THE ORTHODOX CHURCH,"  
*The Light of Islam*: Vol. 2019 : Iss. 2 , Article 2.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iiu/vol2019/iss2/2>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in The Light of Islam by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [brownman91@mail.ru](mailto:brownman91@mail.ru).

**Islomiddin HAYDAROV,**  
International Islamic Academy of Uzbekistan,  
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan.

## ПРАВОСЛАВ ЧЕРКОВИДАГИ ДИНИЙ РАМЗЛАРНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТИ

### ЗНАЧЕНИЕ И ОСОБЕННОСТИ СИМВОЛОВ ПРАВОСЛАВНОГО ХРАМА

### SIGNIFICANCE AND FEATURES OF THE CHARACTERS OF THE ORTHODOX CHURCH

**Калит сўзлар:** Христианлик, «Библия», «Қадимги аҳд», «Янги аҳд», семиотика, диний семиотика, хоч, черков, икона.

**Ключевые слова:** Христианство, «Библия», «Ветхий Завет», «Новый Завет», семиотика, религиозная семиотика, крест, церковь, икона.

**Key words:** Christianity, «Bible», «Old Testament», «New Testament», semiotics, religious semiotics, cross, Church, icon.

Глобаллашув шароитида бирор бир минтақада тоқатсизлик ва низоларнинг кучайиши дунёнинг барча ҳудудларига бирдек таҳдид солади. Зеро, сўнгги йилларда дунёда диний омил билан боғлиқ равишда турли йўналишлардаги жараёнлар авж олиб бормоқда. Кўп ҳолларда мураккаб ва зиддиятли, баъзида эса қонли тўқнашувлар билан кечаётган бундай воқеа-ҳодисалар турли дин вакиллари ўртасида тоқат, ҳурмат, эътибор ва умуман ҳамкорлик руҳидаги алоқаларни шакллантириш ва мустаҳкамлаш объектив тарихий зарурият эканлигини кўрсатмоқда. Айни дамда, кўпмиллатли, поликонфессионал Ўзбекистонда миллатлар ва динлараро бағрикенглик ҳамда тотувлик муҳитини бардавом сақлашда диншуносликка оид билимларнинг ўрни беқиёс. Муайян диний конфессия ҳақида тўлиқ тушунча ҳосил қилиш учун унинг тарихи, таълимоти, ибодатхонаси, муқаддас манбаси, диний анъана, маросим, рамз ва атрибутларини ўрганиш муҳим саналади. Айниқса, эътиқод қилувчилар сони жиҳатидан мамлакатимизда биринчи ўринда турувчи ислом динини ўрганиш, ундаги ибодатхонага оид семиотик белгиларни тадқиқ этиш муҳим саналади.

Машҳур инглиз файласуфи К.Доусон ҳақли тарзда таъкидлаганидек, «Дин тарих учун калит-дир ва агар биз маданиятнинг диний илдиэларини англамас эканмиз, маданиятнинг ўзини ҳам тушуна олмаймиз» [18;121 б.]. Дарҳақиқат, ҳар қандай маданий тараққиёт замирида маълум бир диний ғояга бўлган эътиқод мавжуд. Фақат диний эътиқодларни англаш орқалигина цивилизациялар тараққиётини англаш мумкин. Чунончи, энг дастлабки маданият асарларининг аксарияти ҳам дин масалаларига бағишланган бўлиб, улар диний ғоялардан илҳомланган ҳолда яратилган. Қолаверса, дин адабиёт, санъат ва фалсафанинг ҳам илк сарчашмасидир [19;3 б.].

Бугунги кунда семиотика диншунослик соҳасидаги тадқиқот усулларида бири сифатида шаклланиб келмоқда.

Семиотика рамзий мазмунга эга белгилар ҳақидаги фан сифатида ХХ асрда шаклланган бўлиб, семиотика атамаси илк бор америкалик файласуф Ч.С.Пирс томонидан 1860 йили қўлланилган. Бироқ, шуни айтиб ўтиш керакки, семиотика фанининг назарий қоидалари, тадқиқот усуллари ва воситалари дастлаб америкалик файласуф Чарльз Пирс томонидан қўлланилган бўлсада, у билан бир вақтнинг ўзида, бироқ мустақил равишда швейцариялик тилшунос Фердинанд де Соссюр ҳам семиотика соҳасини ривожлантирган. Фердинанд де Соссюр семиология атамасини фанга жорий қилган.

Диний семиотика деб динлардаги белги ва рамзларнинг мазмун-моҳиятини ўрганишга айтилади. Диний рамзларни тадқиқ этиш, уларнинг мазмун-моҳиятини ўрганиш диний таълимот, унинг ўзига хос хусусиятларини англаш имконини яратади.

Диний семиотикани икки турга: минтақавий хусусиятга эга бўлган ҳамда умумий хусусиятга эга бўлган рамз ва белгиларга ажратиш мумкин.

Минтақавий хусусиятга эга бўлган рамзлар деб муайян дин доирасидаги маълум бир минтақаларда учрайдиган семиотик белгиларга айтилади.

Умумий хусусиятга эга бўлган белгилар деб деярли барча йўналиш ҳамда оқимлар томонидан бирдек қабул қилинган рамзларга айтилади.

Жумладан, ушбу мақолада диний семиотиканинг юқоридаги икки хусусиятини христианликнинг православ черкови мисолида кўриб чиқилади.

Глобаллашув шароитида бирор бир минтақада тоқатсизлик ва низоларнинг кучайиши дунёнинг барча ҳудудларига бирдек таҳдид солади. Зеро, сўнгги йилларда дунёда диний омил билан боғлиқ равишда турли йўналишлардаги жараёнлар авж олиб бормоқда. Кўп ҳолларда мураккаб ва зиддиятли, баъзида эса қонли тўқнашувлар билан кечаётган бундай воқеа-ҳодисалар турли дин вакиллари ўртасида тоқат, ҳурмат, эътибор ва умуман ҳамкорлик руҳидаги алоқаларни шакллантириш ва мустаҳкамлаш объектив тарихий зарурият эканлигини кўрсатмоқда. Айни дамда, кўпмиллатли, поликонфессионал Ўзбекистонда миллатлар ва динлараро бағрикенглик ҳамда тотувлик муҳитини бардавом сақлашда диншуносликка оид билимларнинг ўрни беқиёс. Муайян диний конфессия ҳақида тўлиқ тушунча ҳосил қилиш учун унинг тарихи, таълимоти, ибодатхонаси, муқаддас манбаси, диний анъана ва маросимлари, рамз ва атрибутларини ўрганиш муҳим саналади.

Бугунги кунга келиб, диний семиотика диншунослик соҳасидаги тадқиқот усулларида бири сифатида шаклланиб келмоқда. Дин тарихини ўрганиш, унинг таълимоти ва у асосида шакланган маданиятни англашда семиотиканинг аҳамияти катта.

Ушбу мақола православ черковидаги семиотик рамзлар, уларнинг мазмун-моҳияти ҳамда белгиларнинг ўзига хос хусусиятига бағишланган бўлиб, унда православ черковидаги хоч, гумбаз шифти ва деворларидаги диний маросимларга оид суратлар ҳамда икона каби диний семиотик белгилар баён қилинган.

В условиях глобализации произвол и усиление конфликтов в одном регионе угрожают всем частям мира. Действительно, в последние годы в мире было много тенденций, связанных с религиозными факторами. Эти инциденты, которые часто происходят в сложных и противоречивых, а иногда и кровавых конфликтах, показывают, что формирование и укрепление культуры религиозной толерантности, связей в духе терпимости, уважения, внимания и сотрудничества между представителями различных конфессий является объективной исторической необходимостью. В то же время, роль религиозных знаний в укреплении и сохранении мира и стабильности, а также гармонии между народами и религиями в многонациональном, поликонфессиональном Узбекистане приобретает неопределимое значение. Чтобы создать полное понимание конкретной религиозной конфессии важно изучить её историю, учения, храм, священный источник, религиозные традиции и обряды, символы и атрибуты.

На сегодняшний день, семиотика формируется как один из научных методов исследования религиоведения. Семиотика является важным аспектом в изучении истории религии, ее учений и культуры. В статье рассматриваются особенности семиотических символов в православной церкви, их значение и сущность.

In the context of globalization, intolerance and intensification of conflicts in one region threaten all parts of the world. Indeed, in recent years there have been many trends in the world related to religious factors. These incidents, which often occur in complex and controversial, and sometimes bloody conflicts, show that the formation and strengthening of a culture of religious tolerance, relationships in the spirit of tolerance, respect, attention and cooperation between representatives of different faiths is an objective historical necessity. At the same time, the role of religious knowledge in strengthening and preserving peace and stability, as well as the harmony between nations and religions in multinational, multi-religious Uzbekistan is essential. To create a complete understanding of a particular religious denomination, it is important to study its history, teachings, temple, sacred source, religious traditions and rituals, symbols and attributes.

Today, semiotics is formed as one of the scientific methods of research in religious studies. Semiotics is an important aspect in the study of the history of religion, its teachings and culture. The article discusses the features of semiotic symbols in the Orthodox Church, their meaning and essence.

Православ черковидаги диний семиотик белгиларга хоч, гумбаз шифти ва девордаги диний маросимларга оид суратлар ҳамда иконастас киради.

Православ черковидаги диний семиотик белгилардан биринчиси хоч. Хочнинг келиб чиқиши тўғрисида жуда кўплаб фикрлар мавжуд. Хоч – христианлик ёки антик дунёнинг кашфиёти бўлмай, балки қадимги давлатларнинг, жумладан, Халдей, Финикия, Оссурия ва Мисрнинг муқаддас тимсолларидан бири сифатида эъозланиб келинган. Хоч дунёнинг деярли барча ҳудудларига тарқалган рамз бўлиб, у қадимги Мисрда мистерия (сирли маросим)ларда, Марказий Америка бўйлаб ёйилган кўп-

лаб ҳайкалларнинг кўкрак қисмига тақилган рамзий тимсолларда ўз аксини топган. Ацтек, мая ва тольтеклар эса уни муқаддас тимсол сифатида билганлар. Тибет мандалларида «осмон» хоч кўринишида ифодаланган ва бу шакл ўз навбатида яхшилик рамзи ҳисобланган. Хитой ва Япония манбаларида мазкур рамз катта мавқега эга эканлиги қайд этилади [1;152 б.].

Археологлар хоч розенкрейцер ва алхимиклар учун ёруғлик рамзи бўлиб хизмат қилган деган фикрни олға сурадилар. Алхимиклар ундан тўрт модда: туз, олтингугурт, симоб ва азотни ифодалашда фойдаланганлар. Бошқа маълумотларга кўра

ер, сув, олов ва ҳаво хочнинг тўрт томонини англаган. Бундан ташқари қадимда кўпгина сеҳр, мифологик маросимларда хоч иблис ва ёмон руҳлар ўртасидаги курашиш қуроли ҳисобланган [2;513 б.].

Тўртбурчак шаклидаги икки кесишган чизиқни акс эттирувчи хоч тарихан баъзи давлатларнинг қадимги маданиятида уларни ҳимоя қилувчи диний рамз бўлиб хизмат қилган. Д.С.Купернинг «Замонавий рамзларнинг суратли энциклопедияси» китобига кўра, хочнинг шимол томони куч-қудрат ва ғалаба тимсоли ҳисобланиб, у шимол шамоли билан бир қаторда бош ва ақни ҳам ифодалаган. Жануб томони эса жануб шамоли, олов ва туйғуни англаган. Шарқ томони шарқ шамоли, муҳаббат ва ҳаёт манбаси ҳисобланган қалбни билдирган. Ва сўнги қирраси бўлиш ғарб томони руҳлар ўлкасининг майин ғарб шамолини, ўлим нафасини англаган [3;149 б.].

Хоч христианлик дини маросимларида фойдаланилган ибодат атрибутларидан бўлиб, православлар уни бўйинга, машинага ҳамда уйларига осиб оладилар. Христианлик пайдо бўлишининг илк асрларида хочлар Исо Масиҳнинг суратисиз тайёрланар эди. Чормихга тортилиш тасвири асосан V–VI асрларда пайдо бўла бошлади. Уларнинг энг қадимийсида Исо Масиҳнинг эгнида кийим, бошида тож ва у хочда IX асргача тирик, қайта тирилган ва ғалаба қозонган инсон шаклида тасвирланган. Фақатгина X асрга келиб, Исо Масиҳ вафот этган (ўлган) ҳолда тасвирлана бошланди.

Христианликдаги уч асосий йўналишдан бири бўлган православлар ҳар қандай хочни эътиқод тимсоли ва михланган Исо Масиҳ тимсоли деб биладилар. Тўрт қиррали хоч бундан мустасно. Чунки у Исо Масиҳнинг ўлими ва қайта тирилишидан кейинок христиан динининг тимсолига айланиб қолган [4;217 б.]. Шуни таъкидлаб ўтиш зарурки, хоч тимсоли православликдан фарқли равишда католик ва протестант черковларининг меҳробига ўрнатилади. Протестантлик йўналишидаги черковларда хоч содда ва безакларсиз шаклда, оддийгина ёғочлардан ўрнатилса, католик черкови меҳробидagi хоч эса, Исо Масиҳнинг михланган тасвири туширилган бўлиб, у хашаматли, олтиндан ясалган ёки олтин билан қопланган бўлади.

Христианлик дини рамзи ҳисобланган хочнинг келиб чиқиш тарихи ҳақида бир қанча фикр ва ривоятлар мавжуд. Тарихдан маълумки, Константин 306 йилда Римда императорлик вазифасини бажарар эди. Ривоятларга кўра, у қирол оиласига мансуб

бўлиб, отаси уни мажусий дини таълимотида вояга етказган. 312 йилда Константин ва унинг душмани кўмондон Максентий мажусий, онаси қиролча Елена эса христиан динини қабул қиладилар. Константиннинг онаси ўз ўғлини Рим императори унвонини қўлга киритиш учун бўладиган жангга руҳан тайёрлайди. Ҳал қилувчи жангдан олдин, куёш ботаётган пайтда, Константин ва унинг қўшини осмонда «Сен ғалаба қиласан!» деб ёзилган жуда катта хочни кўрадилар. Кечаси эса унинг тушига Исо Масиҳ кириб, аскарларининг қалқон ва нишонларига хоч тимсолини ифодалашни буюради. Эрталаб уйғонганда бу тушдан қаттиқ таъсирланиб, худонинг буйруғини бажаришга шошилади ва аскарларнинг қалқон ва нишонларига христианлик монограммаси бўлган юнон ҳарфлари – «кси» ва «ро» ни киритишни буюради.

Рим атрофида бўлган сўнги жангда Максентий мағлубиятга учрайди. Константин Римни босиб олгач, шаҳар майдонига қўлида хоч билан тасвирланган Исо Масиҳнинг ҳайкалини ўрнатишни буюради. Унинг ҳукмронлик даврида қиролча Елена ҳар доим христиан динини тарғиб қилиш, черков ва ибодатхоналарни барпо этиш ҳақида қайғуради. Қуллардан бир куни Константин онасидан Исо Масиҳ михланган хочни топиб келиш учун Фаластинга боришини илтимос қилади. Император Худо олдида ўзини қарздор деб ҳисоблаб, шу билан уни мадҳ қилмоқчи бўлади. Елена Фаластинга келибоқ Исо Масиҳ михланган хочни қидиришга тушади. Лекин бу узоқ вақтгача натижа бермайди. Ниҳоят, бир кекса яҳудийдан хоч хилват жойга кўмилгани, айнан ўша ерда ҳозир мажусийлар ибодатхонаси борлигини билиб олади. Қиролча зудлик билан у жойни қазишни буюради. Ҳақиқатдан ҳам ўша ерда учта хоч ва мазкур хочларда «Яҳудий подшоҳи Носиралик Исо» деб ёзилган ёзувни топади. Лекин ҳеч ким учта хочнинг қай бирида Исо Масиҳ михланганини айта олмас эди. Шу пайт оғир ҳолатдаги бемор аёлни олиб келиб, патриарх Макарий уни учта хочга галма-гал суяниб туришини айтади. Биринчи ва иккинчи хочга яқинлашганда аёл ҳеч қандай энгилликни ҳис қилмайди, учинчи хочга яқинлашганида эса ўша ондаёқ тузалиб кетади. Сўнг вафот этган бир инсонни олиб келиб хочларни унинг танасига бирма бир қўядилар. Биринчи ва иккинчи хочда умуман ўзгариш кузатилмайди, лекин учинчи хочни ўлган инсоннинг танасига қўйганларида у шу заҳоти тирилади.

Шундан сўнг, Елена, патриарх Макарий ва ўша ерда бўлган одамларнинг барчаси учинчи хочни

## Динишунослик

Исо Масих миҳланган хоч деб тан олиб, унга ибодат қилиб ўпа бошлайдилар. Император Константин эса ўлимидан олдин чўқинади. Чўқинишидан илгари ўзини бу сирли маросимни бажаришга ҳақли эмас деб ҳисоблаган эди. Константин ва унинг онаси Елена христан динини ёйишда улкан хизмат кўрсатганлари учун черков уларни авлиёлар даражасига кўтарди [5;149 б.]. Мазкур хоч бир қанча вақтдан сўнг форслар қўлига ўтиб қолади. Фақатгина 628 йилда император Иракий томонидан қайтариб олинади. Хочнинг топилиши ва унинг қайтарилиши муносабати билан православ черкови ҳар йили 28 августни «Хочнинг тикланиши байрами» деб нишонлайдилар [20].

Христианшунос олимлар хочни тор ва кенг маънода тушунишни уқтирадилар. Тор маънода хоч Исо Масихнинг мукамал тимсоли бўлиб, у айнан шу хочда ўзини қурбон қилган. Бироқ кенг маънода эса хоч гуноҳни ювиш ва нажот топиш рамзи бўлиб хизмат қилиб келмоқда дейишади [6;174 б.]. Исо Масих хочи қандай шакл ва кўринишда бўлганлиги археологлар томонидан аниқланмаган. IV аср черков ёзувчиларининг ривоятига қараганда, Исонинг хочи у билан бирга миҳланган икки қароқчининг хочидан фарқ қилмаган.

Исо Масих миҳланган хоч дарахтларнинг турли навларидан ясалгани борасида ҳам хилма-хил фикрлар мавжуд. Масалан, узунасига ёғоч – сарв, кўндаланг ёғоч – хурмо, тиргак – кедр, ёзувли тахтакач – мойли дарахтлардан тайёрланган экан [8;169 б.]. Хоч Исо Масихнинг дунёни қутқариш асбоби сифатида черковнинг илк кунларидан бошлаб христианларнинг улуғ тимсоли ҳисобланиб келинади.

Хочнинг бир қанча кўринишлари мавжуд. Замонавий археологлар фикрига кўра, одамлар «сгуч decussate», яъни лангарга ўхшаган суратни хоч тасвири деб унга қаттиқ ишонган эканлар. Лекин кўп изланишлар натижасида маълум бўлдики бу оддийгина юнон ҳарфи экан [9;153 б.]. Иккинчи асрнинг иккинчи ярмига келиб, юқоридаги ҳарфга бўйлама чизик бириктирилиб ўртага қўйилди ва бир белги шаклланди. Кейинчалик ушбу дин вакиллари бўйлама чизик ўрнига Христос (Исо Масих) исмининг иккинчи ҳарфи бўлган «P» ни қўя бошладилар. Бунинг оқибатида император Константинга осмонда кўринган «белги» пайдо бўлди.

355 йилдан эътиборан бу шаклдан «X» ва «P»ни олиб ташлаб, унинг ўрнига хочга ўхшаган юнон ҳарфларидан бирини қўшдилар. Аммо «a» ва «co» ҳарфларини сақлаб қолдилар. Йиллар ўтгани сайин, хочнинг барча қирралари қалинлашган

тарзда ифодалана бошланди. Кейинчалик бундай хоч Россияда Корсунский номини олган. Корсунский сўзи «Корсуни (яъни Херсонес)» сўзидан келиб чиққан бўлиб, россиялик авлиё Владимир Киевскийга айнан шу шаклдаги хочни олиб борганлиги христиан манбаларида қайд этилади [10;316 б.].

Хочнинг шакли борасидаги қарашлар православ черкови учун жуда катта амалий аҳамиятга эга. Ғарбда христианликнинг католик ва бошқа йўналишлари тўрт томонли хочга эътиқод қилаётган бир шароитда, қадимги анъаналарга эътиқод қилувчи миллионлаб православлар саккиз қиррали хочга сиғинар эди. Улар тўрт томонли хочларни ересь (бидъат) деб аташган [9;316 б.].

Яқин даврларгача мазкур белги жодугарлар ва сеҳргарлар томонидан дам солиш, фолбинлик ва табиблиқда қўлланилган [21].

Хочнинг бу шакли 1940 йилнинг июнида генерал Шарл де Голл томонидан Франциянинг нацист оккупациячиларидан озод қилинганлиги рамзи сифатида изоҳланган. Мазкур хоч бир вақтнинг ўзида «Озод Франция» ташкилоти тимсоли ҳамдир [7;259 б.].

Гамма-хоч ёки Гаммадион хочи юнон ҳарфи «гамма» шаклига ўхшаганлиги сабабли шундай ном олган. Черковнинг тамал тоши сифатида Исо Масихни ифодалаган. Бундай хочни кўпинча православ черкови руҳонийларининг кийимларида кўриш мумкин [22].

Кумуш ҳошия билан ўралган темир хоч 1813 йилда Фридрих Вильгельм III Пруссий томонидан Наполеон билан бўлган жанг арафасида таъсис этилган. Геральдика (рамзларни ўрганувчи фан) да бу шакл кўриниши жиҳатидан тўртта панжани эслатгани туфайли «патте» (французча – панжа) деб аталади. Иккинчи жаҳон уруши даврида Гитлер бу хочга нацистлар свастикасини қўшдиришга муваффақ бўлган [23]. Лекин 1957 йилдан эътиборан мазкур свастика хочдан расман олиб ташланган [11;326 б.].

Шунингдек, бу белги ўз навбатида Исо Масихнинг тирилиб келишини ҳам англатади [12;436 б.].

Юнонистоннинг миллий байроғида оқ-кўк рангда тасвирланган хоч илк бора 1820 йилда турк мусулмонлари ҳокимиятига қарши кураш белгиси сифатида ишлатилган.

«Қизил хоч» ва «Қизил ярим ой» ташкилотлари ҳозирги кунда дунёнинг 149 та давлатида ўз фаолиятларини олиб бормоқдалар [13;523 б.].

Мазкур хоч черков меҳробидаги энг ихчам хочлардан бири ҳисобланади [14;179 б.].

Бу тимсол христианлар томонидан ғалаба ва ҳалос бўлиш рамзи сифатида қабул қилинган [15;254 б.]. Шунингдек, беш хочнинг биргаликдаги яққол кўриниши Исо Масиҳнинг жароҳатларини ҳам англатган [16;69 б.].

Православ черковидаги диний семиотик белгиларнинг иккинчиси бу иконастас. Иконастас православ черковининг ўзига хос атрибутларидан бири. У православ черковида меҳробни черковнинг ўрта қисмидан ажратиб турадиган, иконалар қўйилган ёғоч девор бўлиб, одатда у бир неча қаватли қилиб қурилади. Иконастас христианлик тарихи билан боғлиқ бўлиб, унда муқаддас шахс ва тарихий воқеалар тасвири туширилган. Жумладан, Исо Масиҳ, Биби Марям, фаришталар (Мекоил ва Жаброил), авлиёлар, тўрт евангелчилар, ҳаворийлар, пайғамбар (Довуд, Сулаймон Яҳё), православликдаги ўн икки муҳим байрамлар акс эттирилган иконалардан иборат [23].

Православ черковидаги семиотик рамзларга дин тарихи, ибодат ёки байрамларга бағишлаб чизилган расмларни ҳам киритиш мумкин. Бундай сурат ва иконаларнинг адади жуда кўп. Шунинг учун, булардан бирини мисол қилиб келтирамыз. Православ черковининг шифти ёки деворларига назар солган ҳар бир инсон Исо Масиҳни эшакка минган ҳолда Қуддус шахрига кириб келаётган суратини кўриши мумкин. Бу сурат аслида Исонинг Қуддусга кириши байрами муносабати билан чизилган. Маттонинг Евангелиесига келтирилишича, тарихда Исо Масиҳ Қуддусга эшакка минган ҳолда кириб келади. Қуддус аҳолиси Исо Масиҳни қутлаб, унинг йўлига пальма шоҳлари ва кийимларидан пояндоз ташлайдилар (Матто, 21:9). Христианлик анъанасига кўра, Исонинг Қуддус шахрига эшакда кириб келиши тинчлик рамзи ҳисобланади. Чунки эшак урушда улов сифатида фойдаланиб бўлмайдиган ҳайвонлардан саналган [23]. Шунинг учун Исо Масиҳ Қуддус шахрига кириб келишда эшакдан фойдаланган. Мазкур сурат христианларга айнан мана шу тарихий воқеани ёдга солади.

Юқорида келтирилган маълумотлардан ҳулоса қилиб шунини айтиш мумкинки, диний семиотика соҳаси динишунослик фанининг тадқиқот услуби сифатида шаклланиб бормоқда. Дунё динлари ибодатхоналари тарихи, таркибий тузилиши, ибодат атрибутлари ҳамда улардаги диний рамзларни тадқиқ этиш маълум бир дин тўғрисида тўлақонли маълумот олишга хизмат қилади.

## АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. D'Alviella E.G. Razmishleniya nad Yevangeliem ot Matfeya. –Minsk.: Zavet Xrista, 2001.
2. Rineker A, Mayer G. Bibleyskaya Ensiklopediya Brokgauza. – Paderborn, 1999.
3. Kuper D.S. Zamonaviy ramzlarning suratli ensiklopediyasi. –M.: AST-Astrel', 2006.
4. Yakovlev YE.G. Iskustvo i mirovie religii. – M.: Visshaya shkola, 1977.
5. Taevskiy D. Religioznie znaki i simvoli. – M.: Dar', 1993.
6. Nastol'naya kniga svyashennoslujitelya. – Izdatel'stvo moskovskogo patriarxiata. Moskva, 1983.
7. Potebnaya A. O nekotorig simvolax v slavyanskoy narodnoy poezii. –Voronej.: V.I. Isaeva, 1860.
8. Eliade. M. Naissances mystiques. – Paris.: Essai sur quelques types d'initiation, 1959.
9. Kazakevich A.N. Simvoli Russkoy Pravoslavnoy Serkve. –M.: Visshaya shkola, 1997.
10. Religiya entsiklopediya. – M.: Belorusskiy Dom pechati, 2007.
11. Tresidder D. Slovar simvolov. – M.: Visshaya shkola, 1999.
12. Andreeva V, Kuklev A, Rovner – avt.-sostaviteli. Ensiklopediya – simvoli, znaki, emblem. – M.: Astrel, 2004.
13. Voek O. Ensiklopediya znakov i simvolov. – M.: Midgard, 2006.
14. Panov YE.N. Znaki, simvoli. Yaziki. –M.: Astrel, 1983.
15. Salmina N.G. Znaki i simvoli v obuchenii. – M.: Izdatel'stva MGU. 1998.
16. Fraer S, Fergyson D. Geraldika. Gerbi – simvoli – figuri. –M.: AST. 2009.
17. Dawson Ch. God, History and Historians: an anthology of modern Christian views of history. - New York, 1977.
18. Ashirov A. O'zbek xalqining qadimiy e'tiqod va marosimlari. –T.: Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Milliy kutubxonasi nashriyoti, 2007.
19. www.pravoslavieto.com
20. www.sigls.ru
21. www.symbolsbook.ru
22. www.illusiy.netwww.book.ariom.ru
23. https://azbyka.ru

